

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил май ойининг 27 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, Шайхонтоҳур тумани, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Х.Очилов, судья ёрдамчиси И.Акрамхоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Шайхонтоҳур туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Касимов, судланувчи Н.Алимов, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган “Xadjiyev-Djalil-Djumayevich” адвокатлик бюроси адвокати Ж.Хаджиев, жабрланувчилар: Ж.Ачилдиев, Ш.Яминов, И.Ёқубов, Г.Зуфарова, К.Абдуразаков, Ж.Максудов, И.Пирназарова ва Д.Исаевларнинг иштирокида

Алимов Нодир Рустамович (Alimov Nodir Rustamovich) - 18.08.1989 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, “Отчопар-1” маҳалласи, “Бозсувбўйи” кўчаси, 22-уйда доимий рўйхатда туриб яшовчи, жиноят иши доирасида “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 27.01.2025 йилдан қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 17.02.2025 йилда олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айблаш ҳақидаги **1-1003-2502/199**-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

аниқлади:

1. Судланувчи Н.Алимов ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил январь ойида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Шодлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонада бўла туриб, ўша ерда бўлган **Ачилдиев Жавохир Сахибович**дан жами ҳисобда 4.500 АҚШ доллари миқдоридаги “Led-Monitor”ларини муддатли тўлов асосида уч ой муддатда бўлиб тўлаш шарти билан олиб, тўловларни амалга оширмасдан, Ж.Ачилдиевга тегишли анча 4.500 АҚШ доллари (55.524.465 сўм) миқдордаги мониторларни фирибгарлик йўли билан қўлга кiritган.

2. Бундан ташқари, судланувчи Н.Алимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни



суистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 01 июнь куні Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Шодлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонада бўла туриб, ўша ерда бўлган мижоз **Яминов Шухратилла Раҳматулла ўғли**нинг ишончига кириб, Ш.Яминовга 27.09.2024 йилда укасининг никоҳ тўйи маросимини мазкур тўйхонада ўтказиб беришини ваъда қилиб, жами 144 киши учун ёзиладиган дастурхон ҳаражатларини 33.120.000 сўмга ўзаро келишиб, келишилган пул маблағининг бир қисми 13.820.000 сўмни фирибгарлик йўли билан такроран қўлга киритган.

3. Бундан ташқари, судланувчи Н.Алимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 29 июнь куні Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Шодлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонада бўла туриб, ўша ерда бўлган мижоз **Ёқубов Иброҳим Аҳмаджон ўғли**нинг ишончига кириб, И.Ёқубовга 25.08.2024 йилда никоҳ тўйи маросимини мазкур тўйхонада ўтказиб беришини ваъда қилиб, жами 72 киши учун ёзиладиган дастурхон ҳаражатларини 23.000.000 сўмга ўзаро келишиб, келишилган пул маблағининг бир қисми 20.000.000 сўмни фирибгарлик йўли билан такроран қўлга киритган.

4. Бундан ташқари, судланувчи Н.Алимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 05 июль куні Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Шодлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонада бўла туриб, ўша ерда бўлган мижоз **Зуфарова Гулнора Гайратовнанинг** ишончига кириб, Г.Зуфаровага 23.08.2024 йилда наҳорги ош ва никоҳ тўйи маросимини мазкур тўйхонада ўтказиб беришини ваъда қилиб, 100 кишилик никоҳ тўйи маросими учун ёзиладиган дастурхон ҳаражатларини 27.000.000 сўмга ва 120 кишилик наҳорги ош учун ёзиладиган дастурхон ҳаражатларини 3.000.000 сўмга ўзаро келишиб, келишилган пул маблағининг бир қисми 23.080.040 сўмни фирибгарлик йўли билан такроран қўлга киритган.

5. Бундан ташқари, судланувчи Н.Алимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил июль ойининг бошларида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Шодлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонада бўла туриб, ўша ерда бўлган мижоз **Абдуразаков Камил Маҳаматюлдашевичга** 25.08.2024 йилда қизининг наҳорги ош маросимини ўтказиб беришини ваъда қилиб, К.Абдуразаковдан тўйхона учун олдиндан тўлов қилиши лозимлиги важи билан 2.260.000 сўм



миқдордаги пул маблағини фирибгарлик йўли билан такроран қўлга киритган.

6. Бундан ташқари, судланувчи Н.Алимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 05 август куни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Шодлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонада бўла туриб, ўша ерда бўлган **Максудов Жавлонбек Хусанович**га ҳар ой 200 АҚШ долларидан тўлов қилиш шарти билан мазкур тўйхона ёнидан 2 м.кв. ер майдонини “сомсахона” очиши учун ижарага беришини ваъда қилиб, Ж.Максудовдан олдиндан тўлов қилиши лозимлиги важи билан 13.000.000 сўм миқдордаги пул маблағини фирибгарлик йўли билан такроран қўлга киритган.

7. Бундан ташқари, судланувчи Н.Алимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 12 август куни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Шодлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонада бўла туриб, ўша ерда бўлган мижоз **Пирназарова Инобат Мирзажоновнани**нг ишончига кириб, И.Пирназаровага 18.08.2024 йилда ўғлининг никоҳ тўйи маросимини ўтказиб беришини ваъда қилиб, жами 100 киши учун ёзиладиган дастурхон харажатларини 2.600 АҚШ долларига ўзаро келишиб, келишилган пул маблағининг бир қисми 2.100 АҚШ доллари (32.871.800 сўм)ни фирибгарлик йўли билан такроран қўлга киритган.

8. Бундан ташқари, судланувчи Н.Алимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 19 август куни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Шодлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонада бўла туриб, ўша ерда бўлган ўзи билан бирга ишловчи таниши **Исаев Дониёр Юлдашбой ўғли**га тўй маросими учун керак бўлган 2.300.000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини бериб, олиб келганидан сўнг, пул маблағларини беришига ишонтириб, шунингдек Д.Исаевнинг 1.200.000 сўмлик иш ҳақини бермасдан, Д.Исаевга тегишли 3.500.000 сўм миқдоридаги пул маблағини фирибгарлик йўли билан такроран қўлга киритган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Н.Алимов айбига тўлиқ иқрор эканлигини билдириб, дастлабки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагича:

-Ж.Ачилдиевнинг ҳолати бўйича:

-Ҳақиқатдан ҳам у 2024 йил январь ойларида таниши А.Мирзаҳамидов билан суҳбатлашиб қолган вақтида, А.Мирзаҳамидов унга Шайхонтоҳур тумани, “Шодлик” маҳалласида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонани бошқариш учун одам кераклигини маълум қилганлиги,



у тўйхонани кўринишини кўрган вақтида, унга маъқул бўлганлиги сабабли, ўзи бошқаришини айтганлиги, шунда А.Мирзаҳамидов унга тўйхонани бир муаммоси борлигини, тўйхонадаги “Led-monitor”ларини муддатли тўлов асосида бўлиб бўлиб тўлаш шarti билан олганлигини, мазкур мониторларни тўловини ҳар ой тўлаб бориш кераклигини айтганлиги, у А.Мирзаҳамидовнинг таклифига рози бўлганлиги, шундан сўнг у мазкур мониторларни эгаси унга ноатниш Ж.Ачилдиев билан кўришиб гаплашиб, мониторларни тўловини ҳар ойда 4.500 АҚШ долларида бериб, уч ой муддат ичида ёпишга келишишганлиги, келишилган муддат келганида, у Ж.Ачилдиевга ойлик тўловларини қилиб бера олмаганлиги, Ж.Ачилдиевга ҳар хил баҳоналарни айтиб алдаб келганлиги, шу сабабли Ж.Ачилдиев унинг устида ички ишлар органига ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда жабрланувчи мониторларни қайтариб олганлиги, унга нисбатан даъвоси йўқлиги;

-Ш.Яминовнинг ҳолати бўйича:

-2024 йил 26 май куни соат 12:00лада тўйхонада бўлган вақтида, унга нотаниш шахс мижоз сифатида Ш.Яминов келганлиги, у Ш.Яминовга ўзини иш бошқарувчиси деб таништириб, нима хизмат эканлигини сўраганлиги, Ш.Яминов унга 144 киши учун стол безатиш, автотранспорт хизмати, тўйхона безатиш, санаткорлар, карнай-сурнай хизматлари кераклигини маълум қилганлиги, у Ш.Яминовдан тўй қачон бўлиб ўтишини сўраганида, 27.09.2024 йилда никоҳ тўйи маросими ўтказмоқчи эканлиги айтганлиги, у Ш.Яминов билан ҳизмат ҳақини 33.120.000 сўмга ўзаро келишганлиги, Ш.Яминов шу куннинг ўзида унга тўловни бир қисми 13.820.000 сўм миқдордаги пул маблағини берганлиги, ўша вақтда унга пул зарур бўлганлиги сабабли, ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборганлиги, ҳозирда жабрланувчига етказилган зарар қопланганлиги;

-И.Ёқубовнинг ҳолати бўйича:

-2024 йил 29 июнь куни тўйхонада бўлган вақтида, унга нотаниш шахс мижоз сифатида И.Ёқубов келганлиги, у И.Ёқубовга ўзини иш бошқарувчиси деб таништириб, нима хизмат эканлигини сўраганлиги, И.Ёқубов унга 72 киши учун стол безатиш, автотранспорт хизмати, тўйхона безатиш, санаткорлар, карнай-сурнай хизматлари кераклигини маълум қилганлиги, у И.Ёқубовдан тўй қачон бўлиб ўтишини сўраганида, 25.08.2024 йилда никоҳ тўйи маросими ўтказмоқчи эканлиги айтганлиги, у И.Ёқубов билан ҳизмат ҳақини 23.000.000 сўмга ўзаро келишганлиги, И.Ёқубов шу куннинг ўзида унга тўловни бир қисми 2.000.000 сўм миқдордаги пул маблағини берганлиги, 2024 йил 16 август куни у И.Ёқубовга қолган тўловни ҳам амалга оширишини айтганлиги, шунда И.Ёқубов унинг банк пласти картасига 18.000.000 сўм миқдордаги пул маблағини ўтказиб, қолган 3.000.000 сўмни тўй маросими ўтгандан сўнг беришини айтганлиги, ўша вақтда унга пул зарур бўлганлиги сабабли, И.Ёқубовдан олган пул маблағини ўзининг эҳтиёжларига



ишлатиб юборганлиги, ҳозирда жабрланувчига етказилган зарар қопланганлиги;

-Г.Зуфарованинг ҳолати бўйича:

-2024 йил 05 август куни тўйхонада бўлган вақтида, унга нотаниш шахс мижоз сифатида Г.Зуфарова келганлиги, у Г.Зуфаровага ўзини иш бошқарувчиси деб таништириб, нима хизмат эканлигини сўраганлиги, Г.Зуфарова унга 100 киши учун стол безатиш, автотранспорт хизмати, тўйхона безатиш, санаткорлар, карнай-сурнай хизматлари кераклигини маълум қилганлиги, у Г.Зуфаровадан тўй қачон бўлиб ўтишини сўраганида, 23.08.2024 йилда никоҳ тўйи маросими ўтказмоқчи эканлиги айтганлиги, у Г.Зуфарова билан хизмат ҳақини 27.000.000 сўмга ўзаро келишганлиги, Г.Зуфарова шу куннинг ўзида унга тўловни бир қисмини олдиндан 800 АҚШ долларини берганлиги, шундан сўнг 2024 йил 06 июль куни унга Г.Зуфарова қўнғироқ қилиб, наҳорги ош маросимини ўтказишларини сўраганлиги, у наҳорги ош ўтказишларини, фақат тўйхонани 3.000.000 сўм эвазига ижарага бера олишларини, қолган дастурхон нарсаларини ўзлари қилишларини маълум қилганлиги, шунда, Г.Зуфарова унинг таклифига розилик билдириб, эртаси куни 3.000.000 сўм миқдордаги пул маблағларини ташлаб кетганлиги, 2024 йил 11 август куни у Г.Зуфаровага қўнғироқ қилиб, қолган тўловни қачон амалга оширишини сўраганлиги, Г.Зуфарова унга шу куни кечки вақт 13.000.000 сўм миқдордаги пул маблағини бериб кетганлиги, у Г.Зуфаровадан олган 800 АҚШ доллари ва 16.000.000 сўмни ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборганлиги, ҳозирда жабрланувчига етказилган зарар қопланганлиги;

-К.Абдуразаковнинг ҳолати бўйича:

2024 йил июль ойи ўрталарида тўйхонада бўлган вақтида, унга нотаниш шахс мижоз сифатида К.Абдуразаков келганлиги, у К.Абдуразаковга ўзини иш бошқарувчиси деб таништириб, нима хизмат эканлигини сўраганлиги, К.Абдуразов ундан қизининг наҳорги ош маросимини ўтказиш учун тўйхонани ижарага беришини, қолган ҳаражатларни ўзи қоплашини айтганлиги, у К.Абдуразаковга тўйхонани 3.000.000 сўм эвазига ижарага беришини айтганлиги, К.Абдуразаков рози бўлиб, унга 2.600.000 сўм миқдордаги пул маблағини бериб, қолган тўловни тўй ўтгандан сўнг, беришини айтиб кетганлиги, К.Абдуразаковдан олган пул маблағини ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборганлиги, ҳозирда жабрланувчига етказилган зарар қопланганлиги;

-Ж.Максудовнинг ҳолати бўйича:

-2024 йил 5 августда тўйхонада бўлган вақтида, унга нотаниш шахс Ж.Максудов келиб, тўйхонанинг енидан сомса сотиши учун ижарага ер беришини сўраганлиги, у Ж.Максудовдан канча ер кераклигини сўраганлиги, Ж.Максудов 2.м.кв. ер майдони кераклигини маълум қилганлиги, у ойлик ижара ҳақи 200 АҚШ доллари бўлишини айтганлиги, Ж.Максудов рози бўлиб, унга 200 АҚШ доллари миқдорида пул маблағи



берганлиги, орадан вақт ўтиб, Ж.Максудов ундан қачон иш бошлашини сўраганлиги, лекин тўйхонанинг ёнида сомсахона ишлаши тўғри келмаганлиги сабабли, у Ж.Максудовдан олган 200 АҚШ долларини қайтариб берганлиги, ҳозирда жабрланувчини унга даъвоси йўқлиги;

-И.Пирназарованинг ҳолати бўйича:

-2024 йил 12 август куни тўйхонада бўлган вақтида, унга нотаниш шахс мижоз сифатида И.Пирназарова келганлиги, у И.Пирназаровага ўзини иш бошқарувчиси деб таништириб, нима хизмат эканлигини сўраганлиги, И.Пирназарова унга 157 киши учун стол безатиш, автотранспорт хизмати, тўйхона безатиш, санаткорлар, карнай-сурнай хизматлари кераклигини маълум қилганлиги, у И.Пирназаровадан тўй қачон бўлиб ўтишини сўраганида, 18.08.2024 йилда никоҳ тўйи маросими ўтказмоқчи эканлиги айтганлиги, у И.Пирназарова билан хизмат ҳақини 2.600 АҚШ долларига ўзаро келишганлиги, И.Пирназарова шу куннинг ўзида унга тўловни бир қисми 2.100 АҚШ доллари миқдордаги пул маблағини берганлиги, қолган тўловни тўй ўтгандан сўнг амалга оширишини айтганлиги, ўша вақтда унга пул зарур бўлганлиги сабабли, И.Пирназаровадан олган пул маблағини ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборганлиги, ҳозирда жабрланувчига етказилган зарар қопланганлиги;

-Д.Исаевнинг ҳолати бўйича:

-2024 йил март ойидан буён у Д.Исаев билан бирга турли тўйхоналарда бирга ишлаганлиги, Д.Исаев унинг тўйхонасида ошпаз бўлиб ишлаши, 2024 йил 18 август куни Д.Исаев ундан тўй маросимига овқат пиширгани учун хизмат ҳақи 600.000 сўм миқдордаги пул маблағини сўраганлиги, у Д.Исаевга ҳозирда пули йўқлигини айтганлиги, эртаси куни тўй маросимини ўтказиш учун бозорлик қилиб келиш учун пули йўқлиги сабабли, Д.Исаевга ўзининг пулига бозорлик қилиб келишини, кечки вақт бозорликни пулини ва икки кунлик иш ҳақини беришини айтганлиги, Д.Исаев рози бўлиб, бозорга кетганлиги ва 2.300.000 сўмга бозорлик қилиб келганлиги, кечки вақт у пул топиб келишини айтиб, тўйхонадан чиқиб кетганлиги, шу билан қайтиб келмаганлиги, Д.Исаев қўнғироқ қилганда, қўнғироқларига жавоб бермаганлиги, чунки ўша вақт ҳақиқатдан ҳам қийин вазиятда бўлганлиги, ҳозирда содир этган қилмишидан пушаймонда эканлиги, бу каби ҳолатлар бошқа такрорланмаслиги, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлиги, жабрланувчиларга етказилган зарар қоплаб берилганлиги, суддан, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ж.Ачилдиев дасталбки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагича, яхни у 2023 йил октябр ойи бошларида таниши А.Мирзахамдамов билан гаплашиб қолган вақтида, А.Мирзахамдамов унга Шайхонтохур тумани, “Шодлик” маҳалласида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонани ижарага олиб бошқараётганлигини, “Led-monitor” лари



кераклигини айтганлиги, у А.Мирзахамдамов билан мониторларни муддатли тўлов асосида бир йил муддат ичида тўлаш шарти билан 5.500 АҚШ доллариға ўзаро келишганлиги, А.Мирзахамдамов унга декабрь ойигача 1.000 АҚШ долларини берганлиги, шундан сўнг А.Мирзахамдамов унга тўйхона эгаси билан келиша олмаётганлигини, шу сабабли, тўйхонани таниши Н.Алимов юритиши, мониторларни пулини ҳам у беришини айтганлиги, у Н.Алимов билан гаплашган вақтида, Н.Алимов мониторларни пулини уч ой муддат ичида беришини айтиб ишонтирганлиги, келишилган муддат келганида Н.Алимов уни ҳар хил бахоналар билан алдаб пул маблағларини ҳам мониторларни ҳам бермасдан юрганлиги, шу сабабли, судланувчини устидан ички ишлар органиға ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда судланувчига даъвоси йўқлиги, у монтирларини қайтариб олганлиги, суддан, судланувчига қонуний енгилли кберишни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ш.Яминов дасталбки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдқилаб, қуйидагича, яъни у 2024 йил 26 май куни никоҳ тўйини ўтказиш мақсадида Шайхонтоҳур тумани, “Шодлик” маҳалласида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонаға борган вақтида, уни ўзини иш бошқарувчи деб таништирган судланувчи Н.Алимов кутиб олиб, нима хизмат эканлигини сўраганлиги, у Н.Алимовға никоҳ тўйи ўтказмоқчи эканлигини, дастурхон ҳаражатлари, автотранспорт хизмати, тўйхона безатиш, санаткорлар, карнай-сурнай ва қолган нарсалар ўзларидан бўлишини айтганлиги, шунда Н.Алимов ундан нечи кишилиқ тўй ўтказмоқчи эканлигини сўраганлиги, у 144 кишилиқ тўй ўтказмоқчи эканлигини маълум қилганлиги, Н.Алимов хизмат ҳақи 33.120.000 сўм бўлишини айтганлиги, у рози бўлиб, тўй кунини 27.09.2024 йилға белгилаганлиги, 2024 йил 01 июль куни тўйхонаға бориб Н.Алимовға 13.820.000 сўм миқдордаги пул маблағини бериб келганлиги, шундан сўнг 2024 йил 25 август куни тойхонадан хабар олиш мақсадида тўйхонаға борган вақтида, тўйхонанинг ёнида бир неча фуқаролар Н.Алимов фуқароларнинг пуллариини тўй ўтказиб беришини айтиб алдаб олаётганлигини гаплашиб туришганлигини эшитганлиги, у алданганлигини билиб, судланувчини устидан ички ишлар органиға ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда судланувчига даъвоси йўқлиги, унга етказилган зарар қоплаб берилганлиги, суддан, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган И.Ёкубов дасталбки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдқилаб, қуйидагича, яъни у 2024 йил 29 июнь куни никоҳ тўйини ўтказиш мақсадида Шайхонтоҳур тумани, “Шодлик” маҳалласида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонаға борган вақтида, уни ўзини иш бошқарувчи деб таништирган судланувчи Н.Алимов кутиб олиб, нима хизмат



эканлигини сўраганлиги, у Н.Алимовга никоҳ тўйи ўтказмоқчи эканлигини, дастурхон ҳаражатлари, автотранспорт хизмати, тўйхона безатиш, санаткорлар, карнай-сурнай ва қолган нарсалар ўзларидан бўлишини айтганлиги, шунда Н.Алимов ундан нечи кишилик тўй ўтказмоқчи эканлигини сўраганлиги, у 72 кишилик тўй ўтказмоқчи эканлигини маълум қилганлиги, Н.Алимов хизмат ҳақи 23.000.000 сўм бўлишини айтганлиги, у рози бўлиб, тўй кунини 25.08.2024 йилга белгилаганлиги ва шу куннинг ўзида 2.000.000 сўм миқдордаги пул маблағини бериб кетганлиги, 2024 йил 16 август куни Н.Алимов унга қолган тўловни ҳам амалга оширишини айтганлиги, шунда у Н.Алимовнинг банк пласти картасига 18.000.000 сўм миқдордаги пул маблағини ўтказиб, қолган 3.000.000 сўмни тўй маросими ўтгандан сўнг беришини айтганлиги, шундан сўнг 2024 йил август ойларида тойхонадан хабар олиш мақсадида тўйхонага борган вақтида, тўйхонанинг ёнида бир неча фуқаролар Н.Алимов фуқароларнинг пулларини тўй ўтказиб беришини айтиб алдаб олаётганлигини гаплашиб туришганлигини эшитганлиги, у алданганлигини билиб, судланувчини устидан ички ишлар органига ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда судланувчига даъвоси йўқлиги, унга етказилган зарар қоплаб берилганлиги, суддан, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Г.Зуфарова дасталбки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдқилаб, қуйидагича, яъни у 2024 йил 05 июль куни турмуш ўртоғи билан биргаликда ўғли М.Зуфаровни никоҳ тўйини ўтказиш мақсадида Шайхонтохур тумани, “Шодлик” маҳалласида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонага борган вақтларида, уларни ўзини иш бошқарувчи деб таништирган судланувчи Н.Алимов кутиб олиб, нима хизмат эканлигини сўраганлиги, улар Н.Алимовга Исломий тўй қилмоқчи эканликларини, дастурхон ҳаражатлари, автотранспорт хизмати, тўйхона безатиш, санаткорлар, карнай-сурнай ва қолган нарсалар ўзларидан бўлишини айтганлиги, шунда Н.Алимов ундан нечи кишилик тўй ўтказмоқчи эканлигини сўраганлиги, у 100 кишилик тўй ўтказмоқчи эканлигини маълум қилганлиги, Н.Алимов хизмат ҳақи 27.000.000 сўм бўлишини, олдиндан 800 АҚШ долларини беришлари кераклигини айтганлиги, улар рози бўлиб, шу куннинг ўзида 800 АҚШ долларини берганлиги ва тўй кунини 23.08.2024 йилга белгилашганлиги, шундан сўнг 2024 йил 06 июль куни у Н.Алимовнинг ёнига бориб, 120 кишилик наҳорги ош маросимини ҳам ўтказмоқчи эканлигини айтганлиги, Н.Алимов унга фақат тўйхонани 3.000.000 сўм эвазига ижарга беришини, қолган ҳаражатлар ўзларидан бўлишини айтганлиги, у рози бўлганлиги, 2024 йили июль ойи охирида Н.Алимов унга қўнғироқ қилиб, тўйхонани пулини қачон беришини сўраганлиги, у шу куни Н.Алимовнинг ёнига бориб, наҳорги ош учун тўйхонани 3.000.000 сўм тўловини бериб,



қолганини тўй маросими яқинлашганда беришини айтганлиги, Н.Алимов унга пулларни тўй маросимига ишлатишини айтганлиги, улар рози бўлиб қолган 13.000.000 сўмни ҳам 2024 йил 11 август куни беришганлиги, шундан сўнг 2024 йил 22 август куни тойхонадан хабар олиш мақсадида тўйхонага борган вақтида, тўйхонанинг ёнида бир неча фуқаролар Н.Алимов фуқароларнинг пулларини тўй ўтказиб беришини айтиб алдаб олаётганлигини гаплашиб туришганлигини эшитганлиги, у алданганлигини билиб, одамларни олдида уяалиб қолмаслик учун танишларидан пул олиб, ўша куни тўйни ўтказишганлиги, шу сабабли, судланувчини устидан ички ишлар органига ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда судланувчига даъвоси йўқлиги, унга етказилган зарар қоплаб берилганлиги, суддан, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган К.Абдуразаков дасталбки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдқилад, қуйидагича, яъни у 2024 йил июль ойи ўрталарида никоҳ тўйини ўтказиш мақсадида Шайхонтохур тумани, “Шодлик” маҳалласида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонага борган вақтида, уни ўзини иш бошқарувчи деб таништирган судланувчи Н.Алимов кутиб олиб, нима хизмат эканлигини сўраганлиги, у Н.Алимовга қизининг нахорги ош маросимини ўтказиш учун тўйхонани ижарага беришини, қолган ҳаражатларни ўзи қоплашини айтганлиги, Н.Алимов унга тўйхонани 3.000.000 сўм эвазига ижарага беришини айтганлиги, у рози бўлиб, унга 2.600.000 сўм миқдордаги пул маблағини бериб, қолган тўловни тўй ўтгандан сўнг, беришини айтиб кетганлиги, шундан сўнг 2024 йил 23 август куни тойхонадан хабар олиш мақсадида тўйхонага борган вақтида, тўйхонанинг ёнида бир неча фуқаролар Н.Алимов фуқароларнинг пулларини тўй ўтказиб беришини айтиб алдаб олаётганлигини гаплашиб туришганлигини эшитганлиги, у алданганлигини билиб, судланувчини устидан ички ишлар органига ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда судланувчига даъвоси йўқлиги, унга етказилган зарар қоплаб берилганлиги, суддан, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ж.Максудов дасталбки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдқилад, қуйидагича, яъни у 2024 йил август ойи бошларида тадбиркорлик қилиш мақсадида, Шайхонтохур тумани, “Шодлик” маҳалласида жойлашган “Аслонхон” номли тўйхона олдидан ўтиб кетаётган вақтида, шу тўйхона ёнидан ижарага жой олиб сомсахона очиб ишламоқчи бўлганлиги, у тўйхонага кириб, иш бошқарувчи ким эканлигини сўраганлиги, унга нотаниш бўлган шахс Н.Алимов ўзини иш бошқарувчи деб таништириб, нима хизмат эканлигини сўраганлиги, у тўйхонанинг енидан сомса сотиши учун ижарага ер беришини сўраганлиги, Н.Алимов ундан канча ер кераклигини сўраганлиги, у 2.м.кв.



ер майдони кераклигини маълум қилганлиги, Н.Алимов ойлик ижара ҳақи 200 АҚШ доллари бўлишини айтганлиги, у рози бўлиб, Н.Алимовга 200 АҚШ доллари миқдорида пул маблағи берганлиги, орадан вақт ўтиб, у Н.Алимовдан қачон иш бошлашини сўраганлиги, Н.Алимов унга ҳар хил бахоналар айтиб, вақтни суриб юрганлиги, пул маблағини ҳам қайтариб бермаганлиги, шу сабабли, судланувчини устидан ички ишлар органига ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда судланувчига даъвоси йўқлиги, судланувчи унга етказилган зарарни қоплаб берганлиги, суддан, судланувчига қонуний енгилли кберишни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган И.Пирназарова дасталбки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагича, яъни у 2024 йил 12 август куни ўғлини никоҳ тўйини ўтказиш мақсадида Шайхонтохур тумани, “Шодлик” маҳалласида жойлашган “Асланхон” номли тўйхонага борган вақтида, уни ўзини иш бошқарувчи деб таништирган судланувчи Н.Алимов кутиб олиб, нима хизмат эканлигини сўраганлиги, у Н.Алимовга никоҳ тўйи ўтказмоқчи эканлигини, дастурхон ҳаражатлари, автотранспорт хизмати, тўйхона безатиш, санаткорлар, карнай-сурнай ва қолган нарсалар ўзларидан бўлишини айтганлиги, шунда Н.Алимов ундан нечи кишилиқ тўй ўтказмоқчи эканлигини сўраганлиги, у 157 кишилиқ тўй ўтказмоқчи эканлигини маълум қилганлиги, Н.Алимов хизмат ҳақи 2.600 АҚШ доллари бўлишини айтганлиги, у рози бўлиб, тўй кунини 18.08.2024 йилга белгилаганлиги ва шу куннинг ўзида 2.100 АҚШ долларини бериб, қолган 600 АҚШ долларини тўй маросими ўтгандан сўнг беришини айтганлиги, шундан сўнг 2024 йил 18 август куни тўй маросимини ўтказишга тўйхонага келган вақтида, дастурхонда келишилган нарсалар йўқлигини кўрганлиги, у дастурхонга бодрин, памидор, нон, ананас, тарвуз қўйиб қўйганлиги, у Н.Алимовдан нима аҳволигини сўраган вақтида, Н.Алимов ҳозир қолган маҳсулотлар келишини айтганлиги, бир оз вақт ўтгандан сўнг ўзи ҳам йўқ бўлиб қолганлиги, шундан сўнг Н.Алимов билан боғланишни имкони бўлмаганлиги сабабли, судланувчини устидан ички ишлар органига ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда судланувчига даъвоси йўқлиги, унга етказилган зарар қоплаб берилганлиги, суддан, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Д.Исаев дастлабки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагича, яъни у 2024 йил март ойидан буён Н.Алимов билан бирга турли тўйхоналарда бирга ишлаганлиги, у Н.Алимовнинг тўйхонасида ошпаз бўлиб ишлаши, унинг хизмат ҳақи 300.000 сўмдан 600.000 сўмгача бўлганлиги, 2024 йил 18 август куни у Н.Алимовдан тўй маросимида овқат пиширгани учун хизмат ҳақи 600.000 сўм миқдордаги пул маблағини сўраганлиги, Н.Алимов унга ҳозирда пули йўқлигини айтганлиги, эртаси куни Н.Алимов унга тўй маросимини ўтказиш учун



бозорлик қилиб келиш учун пули йўқлиги сабабли, ўзининг пулига бозорлик қилиб келишини, кечки вақт бозорликни пулини ва икки кунлик иш ҳақини беришини айтганлиги, у рози бўлиб, бозорга кетганлиги ва 2.300.000 сўмга бозорлик қилиб келганлиги, кечки вақт Н.Алимов унга пул топиб келишини айтиб, тўйхонадан чиқиб кетганлиги, шу билан қайтиб келмаганлиги, у Н.Алимовга қўнғироқ қилганда, қўнғироқларига жавоб бермаганлиги, шу сабабли Н.Алимовнинг устидан ички ишлар органига ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда судланувчига даъвоси йўқлиги, судланувчи унга етказилган зарарни қоплаб берганлиги, суддан, судланувчига қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб кўрсатилган.

Суд, мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, судланувчи Н.Алимовнинг айби унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, аризалар, тушунтириш хатлари, судланувчи томонидан ёзиб берилган тилхат, нарсани кўздан кечириш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари, нарсани ёзма далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳамда ишдаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Н.Алимовнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан биринчи эпизод (*Ж.Ачилдиев*) бўйича жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди “Фирибгарлик анча миқдорда содир этилган бўлса” ҳамда иккинчи эпизод (*Ш.Яминов*), учинчи эпизод (*И.Ёқубов*), тўртинчи эпизод (*Г.Зуфарова*), бешинчи эпизод (*К.Абдуразаков*), олтинчи эпизод (*Ж.Максудов*), еттинчи эпизод (*И.Пирназарова*) ва саккизинчи эпизод (*Д.Исаев*) бўйича жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-



моддаси 3-қисмининг “б” банди “Фирибгарлик такроран содир этилган бўлса” билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК 33-моддасининг 2-қисми қоидаларига риоя этиб, судланувчи Н.Алимовни Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан жавобгарликка тортишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасининг 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд, мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, судланувчи Н.Алимовга нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини атрофлича ўрганиб ҳамда судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймондалиги, жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг қопланганлиги, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъволари йўқлиги ҳамда судланувчига нисбатан қонуний енгиллик бериш тўғрисидаги кўрсатувини ЖК 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унинг ҳаракатларида ЖК 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмади деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисми қоидаларига риоя этган ҳолда унинг ҳаракатлари учун жавобгарлик назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 3-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасининг 6-қисмида, “Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарори 10-бандининг 2-хатбошида, “Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозим. Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади” деб тушунтириш берилган.

Суд, жабрланувчилар Ж.Ачилдиев, Ш.Яминов, И.Ёқубов, Г.Зуфарова, К.Абдуразаков, Ж.Максудов, И.Пирназарова ва Д.Исаевларнинг моддий



зарар қопланганлиги ҳамда судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, судга тақдим этган аризасини инобатга олишни лозим деб топади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ж.Ачилдиев томонидан ёзиб берилган бир дона тилхатни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топади.

Суд, манфаатдор томонларга жиноят натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарлар юзасидан фуқаролик иши юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлигини тушунтиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,28-моддалари ва ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 471-473-моддаларига мувофиқ, суд

ҳукм қилади:

Алимов Нодир Рустамович (Alimov Nodir Rustamovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Н.Алимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг ўн фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида Н.Алимовнинг 27.01.2025 йилдан 27.05.2025 йилга қадар қамоқда сақланган 120 кунининг ҳар-бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирган ҳолда тайинланган жазодан чегириб ташлаш орқали иш ҳақининг ўн фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазо муддати Н.Алимов жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижроси Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Н.Алимовга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод этилсин ва унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилиб, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчилар Ж.Ачилдиев, Ш.Яминов, И.Ёқубов, Г.Зуфарова, К.Абдуразаков, Ж.Максудов, И.Пирназарова ва Д.Исаевларга нисбатан етказилган моддий зарарлар улар томонидан судга тақдим қилинган аризаларига кўра, тўлиқ қопланган деб эътироф этилсин.



Ашёвий далил деб эътироф этилган ва Ж.Ачилдиев томонидан ёзиб берилган бир дона тилхат жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда сақлансин.

Манфаатдор томонларга жиноят натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарлар юзасидан фуқаролик иши юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлигини тушунтирилсин.

Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, шунингдек ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг агарда ушбу ҳукм апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят мазкур суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Х.Очилов

